

Тўла хўжалик ҳисоби: муаммо ва ечимлар

РЕСПУБЛИКАМИЗ минерал хом ашё базисини бойитишга ўз ҳиссасини қўшиб келатган «Тошкентгеология» ишлаб чиқариш бirlашмаси «Ўзбекгеология» бош бошқармасининг йирик тармоғи ҳисобланади. Бirlашма мутахассислари Тошкент ва республика ҳудудларида бўлган қазилма конларини қидириш, геолог, инженер-техник ва ишчи-хизматчилардан иборат бу катта коллектив бу йил бirlашма ташкил топишнинг 25 йиллигини нишонлайди.

Ўтган давр мобайнида 10 дан ортиқ рангли ва қimmat-баҳо металллар, қурилиш материаллари, хом ашё конлари аниқланиб, ишлаб чиқаришга топширилди. Бirlашма Олмалик кон-металлургия комбинати бир неча гишт, цемент, мрамор заводларини хом ашё билан таъминлаб келмоқда. Кейинги йилларда фойдаланиш нисбатан мураккаб бўлиб қолди: ернинг ўта чуқур қатламларида текширув ишлари олиб боришга тўғри келмоқда. Қидирув ишларида геофизик, геохимик, минералогик методлардан, аэро-космик суратлардан ҳамда зилзила олдидан аниқлаш материалларидан кенг миқдoда фойдаланиш яхши самаралар бермоқда, илгор иш усуллари кенг амал қилинмоқда. Асосий меҳнат коллективлари — пармаловчилар бригадалари пудрат усулида ишлашяпти. Ишлаб чиқариш ва технология жараёнларини қайта қуриш ва жадаллаштириш тўғрисида 1988 йил натижалари қувонарли бўлди. Барча кўрсаткичлар бўйича юқори натижаларга эришганликларини учун бirlашма коллективни тармоқ бўйича республика социалистик мусобақасида голбиклини қўлга киритиб, «Ўзбекгеология» бош

бошқармаси ва кон ишчилари республика касба союзлари комитетининг кўмаки билан байроғига сазовор бўлди. Бу ютуқларда Олмалик экспедициясида С. Зокиров, Е. Косулчи бошлиқ, Шарқий Курама экспедициясида Ю. Бағиев, В. Муратов, Ю. Занько, Чирчиқ экспедициясида Г. Гончаров етакчилиги қилаётган бригадаларнинг муносиб улушлари бор.

Кувонч устига ташвиш

Ватанимиз хом ашё базисини бойитишдаги алоҳида хизматлари учун бirlашманинг 6 нафар малакали геологлари — Н. Епишин, Е. Бутыга, А. Абдураҳмонов, А. Дё, А. Огоров, А. Рахубенков ўртоқлар СССР давлат мукофоти билан тақдирландилар.

1989 йил бошидан бери бirlашма меҳнат коллективлари хўжалик ҳисобининг иккинчи модели асосида ишламоқдалар.

Дастлабки натижалар қувонсиз эришди, — дейди бirlашма бош директори Г. Абдураҳмонов, — квартал ичиде гарчи қиш фасли қидирув ишлари учун бирмунча ноқулай бўлса ҳам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан меҳнат унумдорлиги ва фойда олиш 5 процентга ошди.

Шунга қарамай геология-қидирув тармоғидеги ишлар силлиқ кетяпти деб бўлмайди. Кўпгина министрликлар, ташкилотларнинг буюртмалари

билан ишлаб топилган конлар ўз вақтида қабул қилинмайдиган бўлиб қолган. Конларнинг запасларини ўз балансларига ўтказишга шоянмайди. Бундан ташқари баъзи қидирув ишларини амалга оширишда минерал хом ашё базисининг ҳолати ва талаби билан ишлаб чиқариш кучларини такомиллаштириш ўрта-сида мутаносиблик йўқ. Бундай ташвишлар бошқаришда ҳали ҳам маъмурий-бўйруқ-бозорлик методининг мазкурлигидан далolat беради! Бу муаммоларни бартараф этиш учун эса шартнома асосида ҳамкорлик қилувчи корхоналар билан тўғридан тўғри алоқаларни кенгайтириш, асосийси — бirlашмага кўпроқ мустақиллик бериш керак, деб ўйлайман.

«Тошкентгеология» ишлаб чиқариш бirlашмаси эришган муваффақиятларда кон қидирувчиларга яратиб берилаётган социал шарт-шароитларининг аҳамияти каттадир. Бirlашмага қарашли ҳар бир экспедиция ўз турар жой посёлкасида эга бўлиб, кон қидирувчилар ва уларнинг oilаларига 6 та клуб, 8 та дам олиш зонаси, 7 та болалар богчаси, 480 ўринли пионерлар лагери, 9 та медицина пункти, 16 та озиқ-овқат ва санит-моллар магазинлари, 11 та ошона ва 8 та кутубхона хизмат кўрсатмоқда.

Бirlашмада турар жой ва маданий-маиший объектлар қурилиши бўйича программа ишлаб чиқилган. Шунга биноан 1995 йилга бориб ҳар бир oilа алоҳида квартира билан таъминланиши керак. Бу белгиланган режаларни амалга ошириш учун бirlашма коллектив бarcha имкониятларини ишга солиши, ички резервлардан оқилона фойдаланиши, илгор иш тажрибаларини қўллаши лозим.

М. КОМИЛХУЖАЕВА.

Саховатли кишилар



МИНГ БОЛАНННГ ОНАСИ

— АВВАЛО раҳбар бўлиш ҳаёлимга келмаган эди, — дейди Лола Нўрмонова дастлаб иш бошлаган пайтларини эслаб. — Модомки, партия ишониб топшираётган экан, ўзимни синиб қўришга аҳд қилдим. Интернатга келганимда қоқ ернинг ўртасида 4-қаватли бинодан бошқа ҳеч нарса йўқ эди.

Ҳақиқатан ҳам Куйбишев районидеги 105-республика болалар интернатига кирар экансиз, бир вақтлар бу ер директори айтганидек, бор-йўғи 4 қаватгина ёлғиз бинодан иборат бўлганга ишонганимиз келмади. Тўрт томони девор билан ўралган, ич-карида турли хил дарахтлар, ранг-баранг гуллар ўсиб, ётоқхона ва кўшимча бинолар қад кўтариб савлат тўкиб турибди.

Албатта булар ўз-ўзидан бўлмаган, кимларнингдир жонкуярлиги, елиб-югуриши орқали амалга ошган, янги кўйликлар яратилган.

— Интернат атрофини девор билан ўраб олишдан ташвишланардим, — дейди Лола Нўрмонова. — Чунки бизда руҳий касаллар, ноғирон, етим болалар тарбияланади. Атрофини ҳафсиз ҳолга келтиришга эса интернатнинг кучи етмасди. Шунга ўйлаб бир кун маҳалла аҳлидан ёрдам сўрадим. Уларга минг раҳматки, йўқ дейишмади, бўш қуларни ёрдамга келиб туришди.

Йазаган имконият топади. Ўзгача 5 — 6 йилда 3—4 директор алмашган коллективни Лола опа беш йилдан бери бошқариб келаяпти. Шу йилларда болалар учун қўлаб яхши шароитлар яратилди. Ётоқхоналар жиҳозланди, дам олиш хоналари, пионерлар уйи, кутубхона ташкил қилинди. Темир қаровотлар болаларга мўлжалланган диванларга алмаштирилди. Болалар интернатни ўз уйларидек яхши қўришади. Улар бу ерда ўзларининг туғилган кунларини нишонламоқдалар, муаллимлар ташкилотчилигида ташкил этилган концертларда қатнашади, музейларга ва жонли табиат қўйнига экскурсияга борадилар. Бўш вақтларида эса ҳовлига қараб туришади, гул қўчаларининг остини юмшатиб ерга ишлов берадилар. Бу 105-интернатдаги болалар тарбиясининг такомиллашувига сира монелик қилаётгани йўқ. Аксинча, ёрдам бермоқда. 23 йиллик партия станицага эга бўлган Лола Нўрмонова ҳозир коллектив билан янги дарс программаларини ишлаб чиқмоқда. Программага мувофиқ рус гуруппаларида ўзбек тили ўқитиладиган бўлади.

СУРАТДА: Лола Нўрмонова бир гуруҳа ўқувчилари орасида.

М. Назаров фотоси.

ШАНБА ОҚШОМИДА ШАНБА ОҚШОМИДА

Одоб—мисоли нур

○ Яхшилик уруғга ўхшайди, ўсиб-ўйиб неълат беради.
○ Саҳар туриб саъй-ҳаракат қилган одам меҳнатидан беракат топади.
○ Худбин одам фақат ўзини ва ўз фойдасини кўзлайди.
○ Эзгу ният — гул, ёмон ният — қора кул.
○ Нўқолганга ачинманг, борини асраб-авайланг.
○ Тилни ёмон сўзга ўргатманг.
○ Жон фидо қилганга ҳамма фидокор.
○ Боғни бир боғбон яратди, минг одам баҳраманд бўлади.
○ Дўст бахтига қувонинг, унда ҳиссангиз бор.
○ Ёлгон сўз — заҳарли илон.
○ Соғлом одам ҳиёнат қилмайди.
○ Ерга меҳр қўйгани эл севади.
○ Олтин бойлигинг бўлмаса ҳам, олтин сўзинг бўлсин.
○ Ёлгончилик мансаб ярашмас.
○ Рост гап — ҳақиқат.

Ҳикматли гаплар

○ Инсонни — меҳнат, одобни яхши фазилат беради.
○ Етимга бир эшик ёпиқ бўлса, иккинчи бир эшик очилади.
○ Салом — сўзининг гавҳари, Ахлоқ — одоб гавҳари.
○ Ота қалбини гул, она қалбини дур деб билинг.
○ Ҳар тилнинг зийнати бор, Олтиндан қиммат ҳикмати бор.
○ БАЙТ: Ҳар халқнинг тили гулшан. Тил ўрганганнинг дили равшан.
○ Одам мансаб билан эмас, мансаб одам билан улуг бўлади.
○ Йиқилганга қулғувчи бўлманг.
○ Ватан гулшанида ҳар бир одам — бир муаттар гул.
○ Илм эиёси сўнмайдиған нур.
○ Соғлиқни қадрини билмаган Ҳаёт қадрини билмайди.
○ Яхши сўз — диниёт, Аччиқ сўз — хиёнат.

Абдураҳим УМАРОВ тайёрлаган.

Сўраб ўрганган доно бўлур

Эркаклар кўпми, аёлларми?

Ҳурматли редакция! Ватанимизда қанча аҳоли бор, улардан эркаклар ва аёллар сонини нисбатини қандай?

Беход АМИНОВ, техникум студенти.

Сўнгги маълумотларга кўра, Ватанимиз аҳолиси 291 миллиондан ортиб кетди. Шундан 132 миллиондан ортигини эркаклар, 149 миллиондан ошгини аёллар ташкил этади. Бунинг тахминий нисбатласак ҳар 113 «киз болага» ўртача 100 «ўғил бола» тўғри келади. Ҳозирги пайтда эркакларнинг ўртача оғирлиги вази тахминан 76 килограмм, бўйи 176 сантиметр, аёлларнинг ўртача бўйи 160 сантиметр, оғирлиги вази 62 килограмм экан.

Тегирмонлар етарли бўлганми?

Революциядан олдин, элелиторлар бўлган пайтда Тошкентда тегирмонлар бўлганми?

Шавкат НУРМАТОВ, бинокор-инженер.

Тарихий маълумотларга кўра, 1868 йилда Тошкент шаҳрида 126 та тегирмон бўлган. Шаҳарнинг Қўча даҳасида 14 та, Себзор даҳасида 25 та тегирмон ишлаб турган. Шунингдек, биргина Қўча даҳасида 22 та ёғқувоз, 5 та обжувоз, Себзор даҳасида эса 5 та ёғқувоз ва 1 та обжувоз бор эди. Ҳар бир тегирмон бир кунда 3—4 ботмон ун тортар, икки ёгочли обжувоз эса уч ботмонгача донни янча олган. Тегирмон ва обжувозлар сув қамайганда ёки қишда ишламай қолар, бундай пайтларда одамлар донларини қўшни даҳалардаги тегирмон ва обжувозларга олиб боришар эди.

«Авеста» қандай китоб?

«Авеста» жуда қадимий китоб дейишди, шу ҳақда маълумот берсангиз.

Маҳмуджон ЗОКИРОВ, ўқитувчи.

Бу китобнинг асли номи «Овесто» бўлиб, у зардуштийларнинг китоби ҳисобланади. Китобда Ўрта Осиё, Эрон, Озарбайжон халқларининг қадимги даврдаги яхшимий-нигишодий ҳаёти, олам тўғрисидаги тасаввур-

Ноннинг хили қанча?

«Тошкент — нон шаҳри» деймиз. Шаҳримизда ва умуман дунёда неча хил нон ёпилади!

Мирасид ЖўРАЕВ, «Ташсельмаш» заводи ишчиси.

Нонлар — уларнинг қайси дондан тайёрланиши, нималар қўшилиши, шакли-шамойили, ёпилиши, пиширилиш услуби ва бошқа қўлгана жараёнлар билан хилланиди, турларга ажратилади. Нон бугдойдан (бугдой навларининг ўзи бир неча тур), маккажўхори, оқ жўхори, тарих, арпа, ариш, гуруч, шунингдек баъзи мамлакат-елатларда нон дарахтларидан тайёрланади. Нонга хамиртуруш, туз, сувдан ташқари, ёғ, нисоз, гўшт, сут, тухум, пнез, маргарин, шакар, ҳар хил қўнат, хушбўй зираворлар қўшиб тайёрлаш усуллари бор.

Нон тайёрлашининг ана шундай жараён ва усулларини ҳисобга олиб, унинг турлари ниятда қўлнинг айтиши мумкин. Масалан, ўзбек нонлари, патир, қулча, обинон, гияда, жиззали нон, ширмой нон, уй нони, қўшалоқ қулча, седанали нон, қатлама нон, хунон... Эҳ-е, буларни санаб саногига етиб бўлмайди. Нонни яхши шакллари ва юзига қанчали уриш каби усуллар билан тайёрлаганда ҳам хили қўлайиб бораверади. Тогора буханка, талон буханка, гишт буханка, батон, крендель, булочка, қулябча, печенье, ойсимон, шохсимон, ўрма булочкалар, лаваш, чурек ва юзлаб бошқа хил нонларни айтиш мумкин, лекин уларнинг ҳисоби йўқ. Самарқанд шаҳрида осий, пўлодий, совғатий, нақшкор нонлари жуда машҳур бўлиб, дунёга донги кетган.

Чаканда қанақа ўсимлик?

Кўпича, обелпиха мойи кўп дарадга даво, деб эшитаман. Бунингизда чаканда дейишаркан, шу ўсимлигининг хосиятлари ҳақида маълумот берсангиз.

Холмирза ЖАЛИЛОВ, улуг Ватан урушин қатнашчиси.

Чакандани маҳаллий аҳоли чирчаоқ деб ҳам атайд. Илмий тилда обелпиха кр-

Бу қандай ҳаёт?

(Этюд)

ЕШ ОНА энди атак-чекан юраётган мурған гўдагини сўғмоқ йўлдан авайлаб етаклаб борапти.

— Секин юр, йиқилма, — дейди жондан куюниб она. — Тўғри юр, текис жойдан юр, қўқилиб йиқилмасан, — деб яна йўл кўрсатиб боласини етаклайди она.

Мурған «Йиқилиш», «қўқилиш», «тўғри юриш», «текис жойни» билмайди, аниқ-тапиқ, алғов-далғов, қинғир-қийиш оёқ ташлаб, фақат олға юришга, қаергадир шопшаётгандек куч-тайрат билан югурмоқчи бўлади. Бундан онажонининг жон ҳалак, «Болажоним йиқилмасин» деб кичи кўли билан гўдагига парво-юк, паршонч ташлайди.

Еш бу она боласининг йиқилмай юриб улгайишга куюниб, инсоният ҳаётини узайтириш, одамлар қаторига яна бир одамни қўлишга жонини жабборга бераётган! Она ҳаётни яратувчи, у қалб қўли билан инсониятга жон баш этиб туради.

...Худди шу пайтда, Ер юзининг қаеригадир уруш борапти. Буюқ она жон ато этиб, не машаққатлар билан қўниб қамолга етканган фарзандини бошқа биров худди шу жойда отиб ҳалок қилапти. Бир-бирини ҳеч қўрмаган, бир-бирига ҳеч ёмонлик қилмаган одам болалари бир-бирларига ўқ узиб, қон тўкиб хурирлик қилишапти.

Эҳ, одамдод, бу қандай бедолия! Бирини яратганини бошқаси йўқотса, бу қандай ҳаёт бўлади?

Тўлқин РАСУЛЕВ.

Китоблар оламида

Химия дарслиги

Мамлакатда олий таълимнинг қайта қуриш ўзининг муҳим босқичига кирганлиги қўқилишга маълум. Бу борада студентларни замон талаблари жаваб бера оладиган дарслик, ўқув ва методик қўлланмалар билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг билан Тошкент политехника институтини ўқитувчиларидан К. Аҳмедов, А. Жалилов ва А. Исломовлар «Ўқувчи ва аторгани хили» («Ўқитувчи» нашриёти, 1988 йил) дарслигини тайёрлаб, напсдан чиқаришди. Бу дарслик бир мунча ахчамлаштирилган ҳолда, барча улғов биринчилар янги «СИ» системасига ўтказилган ва экология масалалари ҳисобга олиб ёзилганлиги билан фарқланади.

Дарсликда химиянинг асосий қонуналик, назария ва таъинишлари, аҳамият ва бошқа натор масалалар фан эриш-гини сўғити ютуқлар ҳисобга олиниб, тарзда ифодаланган. Китобда ўттирдоқ химияни, хали синтез қилинмаган, лекин неланида синтез қилиниши лозим бўлган иксовадорлар ҳақида ҳам маълумотлар қўйилган. Кремнийнинг органик ҳаётдаги буюқ ўрини биринчи бор дарсликдан ўрин олганлигини алоҳида ўқидириб ўтиш керак. Пахта ҳосилининг ортинин, вилта қарши кураш, шол, уғум токи каби ва бошқа ўсимликларда касалликларни қамайтирувчи, зараркунандаларга қарши ишлатилувчи препаратлар ҳам шу элемент бирикмалари асосида яратилиш ҳақидаги материаллар диққатга сазовордир. Кремнийнинг баъзи бирикмалари медицинада муҳим аҳамият касоб этиши тўғрисида ҳам гапирилади. Дарсликда бошқа элементлар ҳақидаги материаллар ҳам қизиқарли ва жонли ифодаланган.

Дарсликнинг тушуниш қийинроқ бўлган бўлимлари атом-молекуляр таълимот, химиявий реакциялар энергетикаси, мувозанат, электрохимия ва коррозия мавзулари бир мунча содда ҳамда тушунарли мисоллар билан ёритилганлиги ундан фойдаланишни осонлаштиради.

Дарсликдан қулузати, кечки ва сиртин бўлим студентларни бемалол фойдаланишига мумкин. Шу билан бирга, химияни мустақил ўрганилувчи учун ҳам бу дарслик яхши қўлланма бўлади. Маълумотларнинг жадаллар, диаграмма, схема ва расмлар билан иллюстрация қилинганлиги материалларини осон ўзлаштиришга қўмаклашади.

Замон талабларини ҳисобга олиб ушбу дарсликнинг ўз вақтида чоп этган «Ўқитувчи» нашриёти химия соҳалари бўйича билим олаётган студентларни хушхуд этди.

Т. РАВШАНОВ.

«Сеними, шошмай тур!»

«Союзмультфильм»да режиссёр В. М. Котеночкин томонидан яратилган қувонч, сарғушаштарга бой бу мультфильмнинг ким билмайди, дейсиз!

Яқинда СССР Кинематографиячилар Союзи Бутуниттифоқ «Киномарказ» ишлаб чиқариш бirlашмаси томонидан «Сеними, шошмай тур!» китобчаси чоп этилиб, нажмин киномуҳлисларга тақдим қилинди. Китобча мультфильмдаги каби ранг-баранг расмларга бой бўлиб, унинг текстларини мультфильм авторлари А. Курландский ва А. Хайтлар тузишган.

«Сеними, шошмай тур!» китобчасининг, албатта топиб олинг. Чунки севган қаҳрамонларингиз билан қачон учрашингиз келса, улар доим сиз билан бўлиб бўлади.

С. ШОДИЕВ.

Меросимиз

Дастлабки қўлланма

Атиги ўн икки соатда арабча ёзишни ўрганиш мумкин, деб ҳисоблайди Ҳабибулло Солиев.

Ўқиш унинг методикаси бўйича олиб бориладиган, Совет Маданият фондининг Ўзбекистон республика бўлими ташкил этган қисқа муддатли таълим курсини ҳозиргача 70 дан зиёд киши битирди. Уларнинг орасида ёш ва касби турли кишилар: ёзувчилар, олимлар, ишчилар, чўпонлар бор. Уларнинг ҳаммаси дунёдаги энг қадимги ёзувда бе-малол ёзишди ва ўқишди.

Ҳабибулло Солиев даромадининг ақсариёти қисминини (таълимнинг ҳар соати беш сўм туради) Маданият фондинга ўтказди. Аммо унинг тингловчилари ўртасида текни шугулланувчилар ҳам оз эмас. Моддий жаҳдан сиқил-

ганлар шулар жумласидандир.

— Энг муҳими арабча ёзишнинг ўрганиш истиғи бўлиши керак, — дейди Ҳабибулло. — Бу Навоий ва Низомий китобларини асл нусхада ўқиш, Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ халқларининг улкан маданий меросини ўзлаштириш имконини беради. Яқин орада Ҳ. Солиев ёзган «Арабча ёзишни мустақил ўрганиш учун қўлланма» ўзбек тилида савдога чиқади, қозоқ тилидаги наشري чоп этишга тайёрланмоқда. Қўлланмани «Фан» нашриёти 500 минг нусхада чиқармоқда. Бу Ҳабибулло Солиевнинг биринчи китоби-дир.

СУРАТДА: қисқа муддатли таълим курсида.

А. Горокри; Р. Шагеев фотоси, [ЎЗАГ фотохроникаси].



Ўйинчоқ

ясаш ўйинчоқ эмас

Аҳоли дидига мос, уларнинг эҳтиёжларини тўла-тўқис қондиредиган кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш меҳнат коллективлари олдига турган энг муҳим вазифа ҳисобланади. «Средствэллектротраппарат» ишлаб чиқариш бirlашмасига қарашли заводларда ҳам бу талабга жиддий эътибор берилмоқда.

Биргина реле ва автоматика заводиде бош корхона учун турли деталлар, изолаторлардан ташқари кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг кўпайтиришга интилиш яхши самара бераётганини кўриш мумкин.

Коллектив асосан фарзандларимиз учун турли хил ўйинчоқлар тайёрлаб берапти. Ун иккинчи беш йилликнинг учинчи йилида ана шундай махсулотлар ишлаб чиқаришда муҳим кўрсаткич қўлга киритилган эди. Бу йил ундан ҳам кўп буюмлар тайёрлашга ҳаракат қилишяпти.

Ярашганини танланг

Куни кеча савдо расталарида аёлларнинг янги кўй-лақари жой олди. «Малинка» трикотаж ишлаб чиқариш бirlашмасида тайёрланган замонавий кўйлақлар ёз пайтида кишиш учун мўлжалланган. Шунингдек, оқ матодан тикилган блузкалар ҳам хари-дорларга жўнатилиди.

Бirlашманинг янги товарлар рўйхатидан болалар учун тикилган киийлар ҳам кенг ўрин олган. Улар орасида махсусмол ва спорт киий-лари бор.

С. ШАМСИДИНОВ.

9.00 Эрталабки гимнастика,
Укуу программасы.
9.15 «Врубель Клеодан, Иллий-о-
мабон фильм премьерасы. (КНВ).
9.35, 10.35 Биология. Тебият асерла-
ры тўплами, 10.05 Ислам тили. 1-йил
шуғулланатганлар учун, 11.05 «Ажой-
иб кишилар ҳаёти». Н. Е. Жуков-
ский, 11.35, 12.35 Музыка, 6-синф.
Курш ва норозикли кўшиклари.
13.05 Ислам тили. 2-йил шуғуллан-
атганлар учун, 13.05 «Шимолдаги рай-
он». Ун уч серияли телевизион ба-
дий фильм, 12-серия, 14.00 Янги-
ликлар, 14.10 «Шимолдаги район».
Ун уч серияли телевизион бадий
фильм, 13-серия, 15.00 «Сергей Ла-
зов», Телевизион ҳужжатли фильм.
* * *
17.35 Янгиликлар, 17.45 Иллюзи-
он, «Қизил шайтончалар». Бадий

сарматининг хикосеяси, 1923 й.,
19.15 Муълфильм. 19.30 «Уруш бола-
лари». Телевизон ҳужжатли филь-
м. 20.20 «Мен албатта қайтиб келаман».
Концерт. 20.30 Тунингиз хайрли бўл-
син, кичиктойлар! 20.45 «Қушиқчи-
ларимиз — дўстларимизга». Свердлов-
ловдан кўрсатилади. 21.00 «Нико-
лай Буянов. Италия қапричиоси».
Ҳужжатли фильм. 21.30 «Время».
22.20 «Иллюзия», «Қизил шайтонча-
лар», Бадий фильм. 23.50 Ангилчи-
лар.

си ҳақида телевизион дужжатли фильм. 24.00 «Нигоҳ».

◎ AT II

9.00 Эрталаби гимнастика.

Укув программаси.

9.15 «Томмазо Кампанелла». Илми-оммабо фильм. 9.35, 10.35 Музика, 6-синф, С. Прокофьев. «Ромео ва Жульетта», 10.05 Инглиз тили, 1-йил шуғулланётганлар учун, 11.05 ПТУ ўқувчилари. Физика. Электро-ника ҳақ ҳўкўлигиди. 11.35, 12.35 Тарих, 6-синф. Уйғонш даврининг олимлари. 12.05 Инглиз тили. 2-йил шуғулланётганлар учун. 13.05 Илп-зон. «Кўзил шайтончўлор». Бадиий фильм. 14.35 Янгилликлар. 14.45 Ритми гимнастика.

* * *

17.35 Янгилликлар. 17.45 «Везият... ва унинг теваригиди». Қўзон шахри ўсмирларининг муаммолари ҳақида телеочерк. 18.30 Ритми гимнастика. 19.00 «Влабларингиз биновин теқорланган» ҳазил-ҳазил. Билмаси чини. 19.30 «Май-хўл» ҳазил-очерк. 19.45 «1-йил

20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичик-тойлар! 20.45 «Мойдона». Спорт программаси, 2-қисм. 21.30 «Время».

22.20 «Иттифоқдош республикалар студияларининг фильмлари. «Тугилиш». Бедий фильм («Арман-фильм»). 1 ва 2-сериялар. Танавфуз пайтида (23.40). — Янгилıklar, 00.50.

Футбол, СССР кубогі, Ярим финал. «Торпедо» (Москва) — «Динамо» (Киев). Танавфуз пайтида (01.40). — Тинчлик велопойгеси. ЧССРдан кўра-тилади.

рей Миронов иштирок этган фильмлар. «Оддий мўъжиза», 1 ва 2-сериалар («Мосфильм»), 21.30 «Время»;

ШАНБА ОҚШОМИДА

22.05 Мультипликацияда сатира.

22.35 Америка хонадаси Даяна Росс концерти. 23.55 Англиклар,

© МТ II

8.30 Эрталикги гимнастика. 8.45 Телерадионизига биноан такрорланади. «Жаҳоннинг йирик музейи Лувр», 8 ва 9-сериалар (Франция). 10.45 «Тараққиёт. Ахборот. Реклама», 11.30 «Парка, бодий фильм, субтитр билан», («Озарбайжонфильм»), 12.45 «Диагноз». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Экран»), «Она замин тавшизида» тукумидан. 13.45 Мультифильмлар. 14.20 Реклама. 14.25 «Музыкали Новосибирск. Новосибирскдан кўрсатилади. 14.55

с Кыргызстан телевидениесинин программасы. 15.55 «Ошкорлик» фестивалинин кужакты фильми. «Тикуччи» (Гарбий Сибирь кинохроника студияси), 16.40 «Телевизион музикали абонементи», 17.40 «...16. йшгача бу ундан катталар», 18.25 «Пи» белгиси билан», 1-кисм, 19.15 «Проекторчи», Маданият саройинин руховой оркестри чалади, 19.25 «Пи» белгиси билан 2-у 3-кисмлар, Танафус пайтанда — Тунингиз хайрли булсин, кичиниктойлар!, 21.30 «врем», 22.05 Футбол. СССР кубогы. Ярым финал. Танафус пайтанда (22.55) — Тичинкли велоспойгиси. ЧССРдан курстидили,

о кинопублицистике. «Доира
об», Хужжатли фильм премье-
и (Шимолли Кавказ кинохрони-
гудисии). 16.00 Спорт гимнасти-
Европа чемпионати. Хотин-қиз-
Белгиядан кўрсатилди. 16.45
қикат нима?». Ф. Донохью ва
озернинг Харкюв ёшлари би-
чурашув. 4-кўрсатув. 18.00 I
иттифок гузаллик конкурси.
Тунингиз хайрли бўлсин, кичкин-
ри 21.15 Спорт ҳамма учун.
«Время». 22.05 «Салом, док-
тор». 22.20 «Бахтли болалик». Кис-
етражли телевизион бадий
м («Таллинфильм»). Премьера.
«Шу куннинг хроникаси». Ки-
рнал, 23.15 Гандбол. Европа
ионалари кубог. Эркинлар. Фи-
АСК (Минск) — «Стява» (Руми-
Минскдан кўрсатилди.

Яқшанбадан
ташқари,
ҳар кун чихади.